

**ҒЎЗА ДАЛАЛАРИДА ТАРҚАЛГАН БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ  
КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

*Рашидов Кувончбек Тургунбой угли*

*Тошкент давлат аграр университети талабаси*

*doktorquvonch0599@gmail.com*

*Жумабаева Дурдона Ойбек қизи*

*Тошкент давлат аграр университети талабаси*

*Олишева Мафтуна Қахрамон қизи*

*Тошкент давлат аграр университети талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида, кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонларда учрайдиган бегона ўтларга қарши уйғунлашган (тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни қўллаш) ҳолда курашишда экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган агротехнологиялар бўйича маълумотлар келтирилган.

**Аннотация:** В данной статье представлены агротехнологии, обеспечивающие выращивание высоких и качественных урожаев из зерновых культур в системе севооборота в условиях типичных серых почв Ташкентской области в борьбе с сорняками, которые встречаются на полях по уходу за посевами зерновых и озимой пшеницы (применение гербицидов совместно с основными методами обработки почвы).

**Annotation:** This article presents agrotechnologies that ensure the cultivation of high and high-quality crops from crops in the system of crop rotation in the conditions of typical gray soils of the Tashkent region in the fight against weeds, which are found in the fields of care of grain and winter wheat crops (application of herbicides together with the main methods of soil cultivation).

**Калит сўзлар:** типик бўз тупроқ, ғўза-ғалла навбатлаб экиш, бегона ўтлар, кураш чоралар.

**Кириш.** Жахонда 80 дан ортиқ мамлакатларининг 33 млн. гектарга яқин майдонларида пахта ва 100 дан ортиқ мамлакатларда 200 млн гектардан зиёд майдонда кузги буғдой етиштирилиб, бегона ўтлар билан зарарланиш натижасида етиштирилган ҳосилнинг 10-15% йўқотилмоқда. Дунёнинг Хитой, Германия, АҚШ, Бразилия, Аргентина, Ҳиндистон, Покистон, Австралия, Жанубий Корея, Россия, Украина, Қозоғистон каби бошқа бир қатор

давлатларида 3000 дан ортиқ турдаги бегона ўтлар тарқалган бўлиб, шулардан 200 дан ортиқ тури асосий қишлоқ хўжалик экин майдонларини зарарламоқда.

Республикамизда ғўза ҳамда кузги буғдой экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш борасида тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни турли хил муддат ва меъёрларида уйғунлашган ҳолда қўллаб тадқиқотлар олиб бориш жуда муҳим ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизнинг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган турли тупроқ-иқлим шароитида пахтазорларда тарқалган бегона ўтларга қарши агротехник тадбирлар орқали Б.Собиров, И.Н.Либерштейн, В.Кондратюк, З.Насиров, А.Жўракулов, З.Турсунхўжаев, М.Мухаммаджонов, Қ.Мирзажонов, Б.Бахромов, Ф.Ҳасанова ва кимёвий Б.Алиев, М.Лазоватская, Р.Тиллаев, А.Сағдуллаев, Н.Халилов, Я.Бўриев, Б.Холманов, М.Шодманов, А.Юлдашев, Н.Турдиева, С.Суллиева, Ш.Ризаев, У.Чаршанбиев, Ш.Тешабоевлар томонидан кураш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонларда учрайдиган бегона ўтларга қарши уйғунлашган (тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни қўллаш) ҳолда курашишда экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган агротехнологияни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари, ғўзанинг Султон нави, кузги буғдойнинг “Краснодар-99” нави, Стомп 33%, Дафосат, Гранстар 75% ДФ, Гранстар плюс гербицидлари олинган.

**Тадқиқот натижалари:** Олиб борилган илмий тадқиқотларимизда кузги буғдойнинг униб чиқиши, қишлаб чиқиши ҳамда амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлигига таъсири бўйича кузатувлар олиб борилди.

Тадқиқотдан олинган натижаларига қараганда, ўтмишдош экин парваришланган ишлов бериш усулларида боғлиқ ҳолда 1 м<sup>2</sup> да кўчатларни униб чиқиши бегона ўтларга қарши тупроққа оддий плугда 28-30 см чуқурликда шудгор қилиниб, гербицид қўлланилмаган 1-назорат вариантда ўртача 411,3 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этган бўлса, ушбу тупроққа ишлов бериш усулида гектарига 6,0 кг/га меъёрда Дафосат ҳамда 2,0 л/га меъёрида Стомп гербицидлари қўлланилган вариантларда кўчатларни униб чиқиши 412,1-425,2 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этганлиги аниқланди. Тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгор қилинган вариантларда ҳам юқоридаги қонуният сақланиб қолганлиги кузатилиб, кўчатларни униб чиқиши назорат вариантда 424,9 дона/м<sup>2</sup> ни, Дафосат ҳамда Стомп гербицидлари қўлланилган вариантларда ўртача 435,5-

435,6 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, тупроққа оддий плуг билан шудгор қилинган вариантларга нисбатан 13,6; 23,4; 10,1 дона/м<sup>2</sup> гача кўп эканлиги қайд этилди.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида бегона ўтларга қарши тупроқни икки ярусли плуг ёрдамида 28-30 см чуқурликда шудгорлаш билан бирга гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллаш, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларини яхшилаб, ғўза парваришланаётган майдонлардаги бир йиллик бегона ўтлар сонини 84,1-85,7% гача, кўп йиллик бегона ўтлар 79,4-81,1% гача камайиши таъминланган.

Кузги буғдой етиштиришда бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериб, Гранстар 75% 20 г/га, Гранстар плюс 25,0 г/га меъёрда гербицидларни қўллаш натижасида соф даромад 790060 сўмдан 887610 сўмгача, рентабеллик даражаси эса 42,0 фоиздан 47,2 фоизгача юқори бўлишига эришилган.

### Хулосалар

1. Ғўза парваришида тупроқни икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш, тупроққа оддий плуг билан шудгорланганга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида тупроқнинг ҳажм оғирлигини 0,02 г/см<sup>3</sup> камайиб, ғоваклиги 0,86% га, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 43,7 м<sup>3</sup>/га гача ҳамда тупроқ донадорлиги 1,5% гача яхшиланиши билан бирга, кузги буғдой парваришидаги кейинги таъсири натижасида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0,2 г/см<sup>3</sup> га, ғоваклик 0,74% гача, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 130,9 м<sup>3</sup>/га, тупроқнинг донадорлиги 0,5% гача яхшиланганлиги аниқланди.

2. Кузги шудгор олдидан Дафосат гербицидини 6,0 кг/га меъёрда қўллаш кўп йиллик бегона ўтлар сонини тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда ишлов беришга нисбатан 10 м<sup>2</sup>/донагача, тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгор қилинганида эса 14 м<sup>2</sup>/донагача камайиши аниқланди.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ризаев Ш. Далаларда учрайдиган бегона ўтлар. // Агро илм (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси). Т. 2015. №4(36). Б. 64
2. Ризаев Ш. Кузги буғдой дон ҳосилига бегона ўтларга қарши уйғунлашган кураш тадбирларининг таъсири. // Агро илм (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси). Т. 2013. №1(25). Б. 41.
3. Ризаев Ш. Бегона ўтларга қарши курашда шудгорлаш чуқурлигининг тупроқ агрофизик хоссалари ва дон ҳосилига таъсири. // Агро илм (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси). Т. 2017. №3(47). Б. 81-82.
4. Бахромов С.Л. Ҳасанова Ф., Жумабоев З. Бегона ўт – ҳосил кушандаси. // Ўзбекистон қишлоқ ва хўжалиги. Т. 2006. №2. Б. 35-36.